

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 209 (11.018)

Баҳоси эркин нарҳда

МАМЛАКАТИМИЗДА

●Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов «Ерларнинг меллиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Фармонга имзо чеқди.

●Бугун Тошкентда ҳужжатли кино ижодкорларнинг «Янгиланган мулоқотлар» III Халқаро семинари ўз ишини бошлади. Мазкур анжуман ташкилотчилари «Ўзбекино» Миллий агентлиги, Ўзбекистондаги Швейцария ҳамкорлик бюроси ҳамда Гёте институтининг Тошкентдаги ваколатхонаси бўлиб, унда Марказий Осиё республикаларидан кино мутахассислари, режиссёр ҳамда ёш муаллифлар қатнашмоқда.

●Жиззах вилоятида бўлиб ўтган семинар-кенгашда Халқаро «Юнисеф» ташкилоти, Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг масъул ходимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари қизамиқ ва қизилча касалликларига қарши кураш чора-тадбирларини кенг муҳокама қилишди.

●Қашқадарё вилояти ахборот-ресурс марказида умумтаълим мактаблари учун 2008-2009 ўқув йилига мўлжалланган дарсликлар ва ўқув-услубий қўлланмаларнинг ихтисослаштирилган кўргазма-ярмаркаси очилди.

●Қувасой шаҳрида қишки мавсумга тайёргарлик ишлари якунланмоқда. Бу борда «Қувасой ГРЭСИ» шўба корхонаси томонидан кенг қўламдаги ишлар бажарилди. Жумладан, бешта қозонхона капитал таъмирланди, магистрал қувурлар янгиланди.

●«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Навоий вилояти бўлим жамоаси яна бир хайрли ишга қўл урди. Конимех туманидаги «Сарибел» ширкат ҳўжалигида яшовчи ижтимоий ҳимояга муҳтож 78 нафар яққа-ёлғиз ногирон тиббий кўрикдан ўтказилиб, бепул дори-дармонлар билан таъминланди.

●Тошкентдаги «ЖАР» спорт-соғломлаштириш мажмуида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан «Чемпионлар форуми» лойиҳаси доирасида умидли ёш спортчиларни қўллаб-қувватлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

●Урганч шаҳрида «Жирургияда янги технологиялар» мавзусида «Воҳидов ўқишлари—2007» республика илмий-амалий анжумани ўтказилди. Ушбу анжуман республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда академик В.Воҳидов номидаги республика ихтисослаштирилган хирургия маркази ҳамкорлигида ташкил этилди.

●Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари қасаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши томонидан «Ўзбекистон, сени қуйлайман» кўрик-танлови ўтказилди.

ЖАҲОНДА

●Аргентинада президентлик сайловлари бўлиб ўтди. 96 фоиз овозлар ҳисоб-китобига кўра, мамлакатнинг амалдаги президентининг турмуш ўртоғи Кристина Фернандес де Киришнер 45 фоиз овоз олиб галиб чиқди. Унинг асосий рақиби Элиса Каррио 22 фоиз овоз билан иккинчи ўринни эгаллади. Каррио сайловлар жарёнида шаффофлик бўлмаганлигини таъкидламоқда.

●Кеча «Бойкўнгир» космодромидан Россиянинг «РС 18» баллистик ракетаси муваффақиятли учирилди.

●АҚШнинг Сан-Франциско шаҳрида кўп минг кишилик норозилик намойишлари бўлиб ўтди. Улар Ироқда олиб борилаётган ҳарбий амалиётларнинг тўхтатилишини талаб қилмоқдалар.

●Туркия қуролли кучлари бош штаби бошлиғи Яшар Буюканиннинг баёнотига кўра, Туркия бош вазири Режеп Тойип Эрдоғаниннинг 5 ноябрь кuni АҚШга ташрифи тугамагунча Туркия қуролли кучлари Ироқ шимолидаги террорчи Курдистон ишчи партияси жангариларига қарши ҳужум бошламайди.

●Франциянинг йирик Руази-Шарл де Голл аэропортида «Air France» авиакомпанияси борт кузатувчиларининг иш ташлашлари оқибатида узоқ масофага учувчи 78 та самолёт парвозининг 42 таси бекор қилинди.

●Шу йил 20 ноябрдан бошлаб Япония чегара-назорат пунктида мамлакатга ташриф буюраётган ҳар бир хорижий фуқароннинг бармоқ излари олинади. Бундан ташқари, махсус камера ёрдамида чет эллик фуқароннинг юз кўриниши суратга туширилади. Ушбу янги тартиб яқинда қабул қилинган «Мўҳожирлар назорати ва қочқинларни эътироф этиш» тўғрисидаги қонунга биноан жорий этилмоқда.

●Американин «Bear Sttams» ва Хитойнинг «Citic» банклари ўзаро миллиард долларлик акцияларни алмашмоқдалар. Мақсад Осиё ва АҚШ бозорларида иккала банк яқиндан ҳамкорлик қилмоқчи.

●Калифорния штатида бир ҳафтага яқин давом этган кучли ёнғинлар атроф-муҳитга ҳам жиддий зарар етказди. Яъни бу ерда ёнғин натижасида об-ҳавога чиқарилган парник газлари 440 минг автомобиль томонидан бир йил давомида чиқадиган зарарли газлар миқдорига тўғри келди. Ҳозирда штатнинг бешта шаҳрида аҳолининг умуман кўчага киши таъқиқланган.

ҲАРБИЙ ҲАМКОРЛИК АСОСИ - ИТТИФОҚЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛАМ КАРИМОВ 29 ОКТЯБРЬ КУНИ ОКСАРОВДА РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ МУДОФАА ВАЗИРИ АНАТОЛИЙ СЕРДЮКОВНИ КАБУЛ ҚИЛДИ.

— Сизнинг ташрифингиз Ўзбекистон ва Россия мудофаа вазирликлари ўртасидаги ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётганининг яна бир тасдиғидир, — деди мамлакатимиз раҳбари. — 2005 йилда имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома бу ҳамкорликнинг янги босқичга кўтарилишида муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатларимиз ўртасида қарор топган ҳарбий, ҳарбий-техникавий ва ҳарбий-илмий ҳамкорлик қуролли кучларни қурол-аслаҳа ва ҳарбий техника билан таъминлашга, ахборот ва технологиялар алмашувини ривожлантиришга, кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қаратилган. Ўзбекистон ва Россия полигонларида икки марта тактикавий қўша аксилтеррор машқлари ўтказилди. Бундай тадбирлар мамлакатларимиз муносабатларида мусул ва ҳарбийлар учун фойдаландир. Хусусан, аксилтеррор машқларида тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш йўлидаги умумий вазифалар бажарилди — биргаликда терроризмга қарши курашиш, террор хуружларини бартараф этиш механизмлари такомиллаштирилади, кўникмалар мустаҳкамлашиб, тажриба алмашилади.

Ўзбекистон билан Россия ўртасида Ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги битим амал қилади. Икки мамлакат мудофаа вазирликлари ҳар йили ҳамкорликка оид дастур ва режалар ишлаб чиқади ва амалга оширади. А.Сердюковнинг мазкур ташрифи асосида Ўзбекистон ва Россия мудофаа вазирликлари ўртасида 2008 йилда икки томонлама ҳамкорлик режаси имзоланди.

Ўзбекистон билан Россия ўртасида Ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги битим амал қилмоқда. Мазкур йўналишдаги алоқалар ҳарбий махсулотлар етказиб бериш, ҳарбий техникани янгилаш, тажриба алмашиш, биргаликда машқлар ўтказиш, коинотни тадқиқ этиш бўйича давлатлараро дастурлар тузишга қаратилган.

Учрашувда мудофаа вазирликларининг ҳамкорлигини янада ривожлантиришга, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашга оид масалалар муҳокама қилинди. Ҳарбий соҳадаги ҳамкорликнинг бугунги аҳоли ва истиқболи, янги қўша лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Музокара якунида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги билан Россия Федерацияси Мудофаа вазирлиги ўртасида 2008 йилда икки томонлама ҳамкорлик режаси имзоланди.

МУДОФАА ВАЗИРЛИГИДА УЧРАШУВ

МАМЛАКАТИМИЗГА ТАШРИФ БУЮРГАН РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ МУДОФАА ВАЗИРИ АНАТОЛИЙ СЕРДЮКОВ 29 ОКТЯБРЬ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРИ РУСЛАН МИРЗАЕВ БИЛАН УЧРАШДИ.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Россия ўртасида ҳарбий соҳадаги ҳамкорлик икки мамлакат Президентлари — Ислам Каримов ва Владимир Путин томонидан 2005 йилда имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома асосида изчил ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон билан Россия ўртасида Ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги битим амал қилмоқда. Мазкур йўналишдаги алоқалар ҳарбий махсулотлар етказиб бериш, ҳарбий техникани янгилаш, тажриба алмашиш, биргаликда машқлар ўтказиш, коинотни тадқиқ этиш бўйича давлатлараро дастурлар тузишга қаратилган.

Учрашувда мудофаа вазирликларининг ҳамкорлигини янада ривожлантиришга, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашга оид масалалар муҳокама қилинди. Ҳарбий соҳадаги ҳамкорликнинг бугунги аҳоли ва истиқболи, янги қўша лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Музокара якунида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги билан Россия Федерацияси Мудофаа вазирлиги ўртасида 2008 йилда икки томонлама ҳамкорлик режаси имзоланди.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

ҚУВВАТИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИБ МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЕ ЭВАЗИГА ТАЙЁРЛАНАЁТГАН ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «ИРРИГАЦИЯ БЎЙИЧА БОШ МАХСУС КОНСТРУКТОРЛИК БЮРОСИ» ҚЎШМА КОРХОНАСИ МАХСУЛОТЛАРИ БУНИНГ ЯҚҚОЛ ДАЛИЛИДИР.

Кўшма корхоналарда ИМКОНИАТЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИЛАДИ

2005 йилда ўз фаолиятини бошлаган ушбу қўшма корхонада асосий йўналиш — пахта қайта ишлаш асосида аввало сифатли ип-калава ва сўнгра ундан махсулот тайёрлашдир. Шу билан биргаликда яқинда Хитойдан келтирилган замонавий дастгоҳлар асосида корхонада алюмин пластик қувурлар ва бириктуручи деталлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

— Корхонамизда маҳаллий хом ашё — «Шўртанга» кимё мажмуасидан келтирилган полиэтилендан ишлаб чиқараётган рақобатбардош махсулотларимиздан, — дейди қўшма корхона директори ўринбосари Юдзим Умиров, — халқ ҳўжалигининг турли тармоқларида фойдаланиш мумкин. Узоқ муддат хизмат кўрсатадиган, юқори даражадаги кимёвий моддалар таъсири ҳамда атроф-муҳит ҳароратиغا чидамли ушбу қувурларни ишлаб чиқариш полиэтиленни электрон нурлантиришга асосланган ҳолда амалга оширилади. Ушбу замонавий қувурларнинг ички диаметри 12 дан 25 миллиметрча ва ташқи диаметри 16 дан 32 миллиметрча бўлиб, улар Целисий шкаласи бўйича 120 даражагача иссиқликка ҳамда 15 баробар босимга чидамлидир. Махсулот сифати-га қаратилган эътиборимиз боис буюртмаларимиз кўпаймоқда ва мазкур қувурларимиз турар жойлар, маъмурий бинолар, саноат корхоналарининг иссиқ ҳамда совуқ сув таъминотида, радиаторли ва пол ости иситиш тизимида, стадион, очик майдон, сузиш хавзаларини иситишда ишлатилади. Улар иссиқлик ҳўжаликларидан ҳам ниҳоятда қўн келади. Шунини алоҳи-



да таъкидлаш жоизки, қувурларни ўрнатиш ҳам осон ва қўлай бўлиб, кўп меҳнат ва мураккабликлар талаб қилмайди. Ҳозирда янги махсулотимизни поётахтимиздан ташқари Самарқанд ва Фарғона воқеасидаги буюртмачиларга ўз вақтида етказиб бераёламиз.

Айтиш жоизки, корхонада жорий йилнинг ўтган етти ойида ип-калава, ип-газлама ва ундан экологик тоза қўлқоплар ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 10 баробар кўпиги баракани меҳнатдан, астойдил изланишдан далолатлади. Корхонада айна пайтда тайёрланаётган қўлқоплар мамлакатимиздаги қуриш ташкилотлари, фермер ҳўжаликлари, саноат корхоналари ва ҳўжалик юрттувчи субъектларга етказиб берилмоқда. Кунига 45 минг

жўфт қўлқоп ишлаб чиқарилаётган уларга бўлган талабнинг юқорилигини кўрсатиб турибди.

Айна пайтда 420 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган қўшма корхонада келгусида ип-калава ва ип-газлама ишлаб чиқариш ҳажмини ошириб, уни харидорларга етказиб бериш кўзда тутилган. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш асосида ишчилар сонини 800 нафарга етказиш ҳам режаланган. Бунинг учун эса мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланилади.

Шарифа ИЛЁСОВА
СУРАТДА: корхона ишлаб чиқариш цехларидаги қизинг меҳнат жарёнида махсулот сифатини таъминлашга асосий эътибор қаратилади.

Ҳақимжон Солиҳов олган сурат

Касба сатрларда

●ЎЗБЕКИСТОН электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Нодавлат электрон оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Ўзбекистон журналистлар ижодий уюшмаси ҳамкорликларидан ўтказилган семинарда электрон оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш мақсадида бажарилган ишлар ва келгуси режалар ҳақида ўзаро фикрлашиб олинди.

●ШАҲРИМИЗДА ёш тадбиркорлар фаолиятини жонлантиришнинг муҳим омилларига бағишлаб семинар уюштирилди.

●ЎЗБЕК Миллий академик драма театрида Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети биринчи босқич талабалари ҳамда

ўқитувчилар иштирокида «Талабаларга бағишлов» тадбири ўтказилди.

●КЕЧА Учтепа қурилиш касб-ҳунар коллежидан иқтидорли қизлар ўртасида «Зулфия» номидаги қизлар кўрик-танловининг Учтепа туман босқичи бўлиб ўтди.

●ШАҲРИМИЗДА «Ўзбекистоннинг ислом маданияти ривожига тўтган ўрни» мавзусида ўтказилган анжуманда Тошкент Ислам университети талабалари, ўқитувчилар, Ўзбекистон Муслмонлар идораси вакиллари, «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши фаоллари иштирок этишди.

●ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Божхона қўмитаси қошидаги Миллий кинология маркази ташаббус билан ўтказилган кўргазма «Зотдор итлар ринги» деб номланди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

23 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

ОЧИҚЛИК ВА ОШКОРАЛИК — САЙЛОВНИНГ МУҲИМ МЕЗОНЛАРИ

ТОШКЕНТДА 27-29 ОКТЯБРЬ КУНЛАРИ «ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ МАТБУОТ ХИЗМАТЛАРИНИНГ САЙЛОВ КАМПАНИЯСИДАГИ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ» МАВЗУИДА РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ СЕМИНАРИ БЎЛИБ ЎТДИ. ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИДАН ОЛТМИШДАН ЗИЁД ВАКИЛ ИШТИРОК ЭТГАН УШБУ ТАДБИР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ МАТБУОТ МАРКАЗИ ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Ўзбекистон республикаси президенти сайловини оммавий ахборот воситаларида ёритиш масалалари семинарининг асосий мавзуи бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов семинарни очар экан, мамлакатимизда жорий йилнинг 23 декабрида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови жамият ва

давлат қурилиши соҳасида амалга оширилаётган демократик ислохотларни чуқурлаштиришда улкан аҳамиятга эга бўлган муҳим сиёсий воқеа эканини қайд этди.

Сайловнинг Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган демократик тамойиллар ва нормаларга тўла мувофиқ ҳолда ўтишида, сайлов қончилигида оммавий ахборот воситалари зиммасига ҳам ўта муҳим вазифалар юклан-

ган. Марказий сайлов комиссияси матбуот маркази раҳбари Б.Алимов сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни очиклик ва ошқоралик тамойиллари асосида ўтказишдек муҳим вазифа округ сайлов комиссиялари матбуот хизматлари зиммасига ҳам катта масъулият юқлашига эътиборни қаратди.

(Давоми 2-бетда).



ИЗЧИЛ ВА САМАРАЛИ АЛОҚАЛАР

ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН РОССИЯ ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК БАРЧА СОҲАЛАРДА ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНИБ БОРМОҚДА. ИСЛАМ КАРИМОВ ВА ВЛАДИМИР ПУТИН ТОМОНИДАН 2005 ЙИЛДА ИМЗОЛАНГАН ИТТИФОҚЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ШАРТНОМА МАМЛАКАТЛАРИМИЗ ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА ЮҚОРИ БОСҚИЧГА КЎТАРИШДА МУҲИМ ҲУҚУҚИЙ АСОС БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛАЁТИР.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ва Россия президентларининг ўзаро алоқаларини ривожлантириш масалаларига, қўллаб-қалқаро ва минтақавий муаммоларга қарашли ўрнатилган. Мамлакатларимиз Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасида ҳам яқиндан ҳамкорлик қилиб келаётди.

Бугунги кунда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳам-

корлик деярли барча йўналишларда, жумладан, энергетика, авиасозлик, машинасозлик, транспорт ва телекоммуникациялар, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, озиқ-овқат, ёғочни қайта ишлаш саноати, қишлоқ ҳўжалиги, электротехника каби соҳаларда изчил ривожланиб бормоқда.

(Давоми 2-бетда).

ОЗ-ОЗ ЎРТАНИШ ДОМО БУЛУР...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИҚМАТ БЎСТОНИ

Юсуф Хос Ҳожиб ҲИҚМАТЛАР

Ул маликким, доим элга ва улусқа куч қилур, Оқибат мулкин алиндан бир қавий душман олур...

Эй давлат ичинда йўқ тенги, моли чўк, Қайғунг йўқ эса, меним дағи қайғунг йўқ.

Сахий элинда билурсан қарор тутмас мол, Нечукки тутмас олиб сув қафи уза гирбол.

Аяр бўлса черикдан мол султон, Нечук бош ўйнасулар тарк этиб жон.

Хумой ул иш билан топти шарафким, Сўнгак еб, жонвор инжитмиши йўқ.

Эмас дўстунг неъматда ҳар ким Муҳаббат лофини урса ёнингда. Ҳақиқат дўстунг ёрингдур улким, Қўлуниг тутса аёқдан тушганинда.

Ҳақ таоло кима газаб қилса, Халқ ичинда бўлур залилу ҳақир, Гар саодат яна алин тутса, Бўлур ул мўтабар амири кабир.

Насихат тутмаган гофил ким эрса, Тушар доим машаққатнинг қинина. Билурсан захмина чун тоқатинг йўқ, Қўлуниг сукмағил акраб инина.

Собиқ ул-инъом қулдин не хато кўрди, ажаб — Ким, ани кўздан солиб, қайғу ҳисоринда тутар. Ҳақ таолога мусалламдур кўруб қулдан хато, Кесмайин ҳар кундаги ризқин қароринда тутар.

Улуглук тиласанг сахий бўл, сахий.

Эл етарда эйгулук қил, эй фалон, Ким отинг қолғай жаҳонда жовидон. Қорун ўлди, қолди қирқ эв тўли ганж, Ўлмади адли билан Нўширавон.

Жаҳон кўрган киши қўб ёлгон айтур.

Керакли дўст кўнглин топмоқ учун Отаси богини сотса раводур.

Тушкан эр ҳожатин раво қилсанг, Ҳақ сенинг ҳожатинг раво қилғай.

Билурсанким, жаҳоннинг мажлисинда, Тутар элга қадаҳни рост соқий. Севунмак йўқ уриб душман ўлусин, Келисар чун биза ул давр аёқи.

Қилурлар тавба осийлар надомат еб хато ишдан, Ибодатдан қилур ориф кишилар доим истиғфор.

Тиласанг зуҳду тақво нафс эвин йиқ!

Бир аблах ўртада қилди ёмонлик, Неча оқиллара тегди зёғни.

Қачон фаҳм этмаса ўзни эшиткан, Сўз айткан эрининг анда ёзуқи йўқ.

Муғанний мусиқий оғоз қилди, Отаси тарбутинда йиғлагантек. Эшитканлар анга айтур: етар, бас — Али билан қулоқларин тутуб бек.

Аё мутриб, бу мажлисда унинг тинглар киши йўқтур, Сени бир ерда икки кез ким эрса кўрмиши йўқтур, Унундан уркубон учти ёрилмиш том уза қушлар, Жаҳонда қўб муғаннийлар ва лекин бу иши йўқтур.

Агар ўйнаб киши бир ҳарф этса, Олур андан билик аҳли насихат.

Тиласанг маърифат нурин кўрарга, Ичинг холи керак бўлса емактан. Қачон бўлғай мунаввар ботинингким. Емактан бурнунга тегру тўлусан.

Гах юмулур, гах очилур боғу бўстон гулла-ри, Гах бўлур урён, гах қиялар гул сифот. Гах келиб қайғу, кетар бўлса фараҳ, бўлма малул, Ким қоронғулук ичинда топилур оби ҳаёт. Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган



Қизил Ярим Ой жамияти фаолиятидан



МАҚСАД — КИШИЛАРДА КЎНИКМА ҲОСИЛ ҚИЛИШ

ХАЛҚИМИЗДА «УЙИ ТИНЧНИНГ КЎНГЛИ ТИНЧ», «БЕМАВРИД ҲАЛОКАТДАН АСРАСИН» СИНГАРИ НАҚЛЛАР БОРКИ, БУЛАРНИНГ БАРЧАСИ КИШИЛАРНИНГ ОСОЙИШТА КУНЛАРГА БЎЛГАН ОРЗУМАНДЛИГИДАН, УНИНГ ҚАДРУ ҚИММАТИДАН ШАҲОДАТ БЕРАДИ.

Шу маънода Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан фақуллодда вазиятлар ўйналиши бўйича олиб борилаётган ишлар кўлами ана шундай эзгу мақсадлар билан чамбарчас боғлиқ. Хусусан, ўтган давр мобайнида шаҳар Кенгаши томонидан Учтепа, Юнусобод ва Миробод туманларидаги 10 тадан маҳаллада 60 нафар маҳалла фаолларига фақуллодда вазиятларнинг олдини олиш юзасидан махсус семинар-машғулоти ўтилди. Мазкур семинар давомида улар фақуллодда вазиятларнинг турлари, шундай вазиятлар вақтида маҳалла фаоллари томонидан амалга ошириладиган амалий ишлар хусусида етарлича тасаввурга эга бўлишди.

— Бугунги кунда ташкилотимизнинг низомиде кўзда тутилган кўпгина ишларни амалга ошириб бормоқдамиз, — дейди Қизил Ярим Ой жамиятининг Тошкент шаҳар Кенгаши фақуллодда вазиятлар ўйналиши бўйича координатори Нилуфар Раҳимбоева биз билан суҳбатда. — Айниқса, маҳаллаларда ўтказилаётган ўқув-

семинар машғулоти ўзининг ижобий натижаларини бераётганлиги, фуқароларнинг қутилмаган ҳолатларда ўзини ўзи ҳимоя қилиш кўникмалари шаклланаётганини алоҳида эътироф этиш зарур бўлади.

Албатта, ҳар қандай назарий билим амалиёт билан уйғунлашгандагина ўзининг изчил самарасини беради. Шу боис етарлича амалий ва назарий кўникмаларга эга бўлган мураббий-йўриқчилардан махсус ўқув тактик машғулотларини ўташи талаб этилади. Бундан кўзланган асосий мақсад Қизил Ярим Ой жамияти базасида олинган билимларни муштахкамлаш бўлса, иккинчидан фақуллодда вазиятларда уларнинг нималарга қодирлигини назорат қилишдан ҳам иборатдир. Бундан ташқари худди шундай тадбирлар Яққасарой туманидаги 144, Собир Раҳимов туманидаги 234, Юнусобод туманидаги 70, Учтепа туманидаги 189, Ҳамза туманидаги 161-мактабларда ҳам уюшқоқлик билан олиб борилади. Кези келганда шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳар бир мактаб ўқувчилари

ўзларининг бу борадаги билим ва кўникмаларининг самараси сифатида ишро, турли кўргазмалар куралиб тайёрландилар. Ҳозирги кунда жамият тасарруфида вазиятга муносабат билдириш гуруҳи фаолият олиб бормоқда. Ушбу гуруҳ Халқаро Қизил Ҳоч ва Қизил Ярим Ой федерацияси хомийлиги асосида иш юритиб келмоқда. Ушбу гуруҳ кўнгилли талаба-ёшлар, ишчи ўсмирлардан ташкил топган. Мазкур гуруҳ олдидаги асосий вазиятларга фақуллодда вазиятлар вақтида вазиятни баҳолаш, биринчи тез тиббий ёрдам кўрсатиш, ҳалокат сабабли бошпанасиз қолганларга қодирлиги шаҳарча барпо этилиши режалаштириш, тоғ шароитида қутқарув ишларини ташкил этиш кирди. Айниқса, бу йилги ёз мавсумида Янгиобод тоғ тизмаларида ўтказилган ўқув дала машқули қатнашчилар учун яна бир синов вазифасини ўтади.

Хидирали ПАНЖИЕВ СУРАТЛАРДА: Қизил Ярим Ой жамиятининг Тошкент шаҳар Кенгаши фаолиятдан лавҳалар

САЛОМЛАШИШ ОДОБИ

ИНСОННИНГ ХУЛҚИ-ОДОБИ АВВАЛО УНИНГ БОШҚА КИШИЛАРГА БЎЛГАН МУНОСАБАТИДА КЎЗГА ТАШЛАНАДИ.

Халқимизда «Сухандонлик саломдан, иш интизомдан бошланади» деган ҳикматли ибора бор. Дарҳақиқат, салом билан бошланган суҳбат, ёмон ниятларни қайтариб ёпик эшикларни эчар ва нифоқларни йўқотар экан.

Аслида асалому алайкум деган сўз «Сизга сийҳат-саломатлик, тинчлик-омонлик тилайман», деган маънони билдиради. Салом-алик одамийлик белгиси эканлиги халқ мақоллари, ҳикоят-ривоят, эртақ, достонларда ўз аксини топган. Масалан, «Бир кун туз ичган жойга қирқ кун салом бер», «Бир кўрган таниш, икки кўрган билиш», «Салом бериш — қарз, алик олиш — фарз», «Бир марта салом, вассалом» шунлар жумласидандир. Демак, катталарни кўрганда салом бериб ўтиш ҳар бир ёш учун ҳам қарз, ҳам фарз. Салом беришининг ҳам одоби бор, уни ўрнига қўя билиш керак. Айрим ёшлар кексаларни кўрганда яшин тезлигида «ассалом» ёки «салом» деб ўтиб кетдилар. Бу худди ма, қарзингни ол, дейётгандай тўлаудай кишига. Халқда меҳр кўзда, деган гап бор. «Ваалайкум асалом, катта бўлинг, мулло бўлинг», деган илқ жавобдан дилингиз яйраб кетади.

Инсон ҳар тонгни яхши ният билан қаршилаб: «Бугун қандай хайрли ишга қўл урсам экан» деган истак билан ўрнидан туради. Шу чоғ кимдир сизга қараб айтган «Асалому алайкум, яхши дам олиб турдингизми?» деган иборадан кўнглингиз чоғ бўлади. Албатта бундай илқ сўзлардан сўнг, сиз ҳам унга нисбатан шундай хушумомалада бўласиз. Халқимизда «Яхши гапга илон инидан, ёмон гапга пичоқ кинидан чиқади» деган ҳикмат бор. Шундай экан, бу ўткинчи дунёда бир-биримизга ишсин сўз бўлайлик.

Нодира МИРСАДУЛЛАЕВА

Спорт янгиликлари

ЖАНУБИЙ КОРЕЯДАН МЕДАЛЛАР БИЛАН

АКАДЕМИК ЭШКАК ЭШИШ БЎЙИЧА ЖАНУБИЙ КОРЕЯДА ЎТКАЗИЛГАН ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ ЯКУНЛАНДИ.

Шуниси эътиборлики, спортнинг ушбу тури мамлакатимиз ёшлари орасида эндигина оммалаша бошлаган бўлсада, юртдошларимиз халқаро турнирларда муваффақиятли иштирок этиб келишяпти. Осий чемпионатининг оғир эшаклар баҳсида юртимиз шарафини ҳимоя қилган Дамир Нурзаниев ва Владимир Черненко жуфтлиги маррага учинчи бўлиб етиб келиб, бронза медаллари билан қийоғланди. Енгил эшаклар мусобақаларида иштирок этган Дамир Наурузалиев, Артём Кудряшов ҳамда Севара ва Зарина Ганиеваларга биринчи ўрин насиб этди.

ТЕРМА ЖАМОАМИЗ — КЕЙИНГИ БОСҚИЧДА

ХИТОЙ ТАЙПЕЙИДА ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ САРАЛАШ ТУРНИРИНИНГ БИРИНЧИ БОСҚИЧ ИККИНЧИ УЧРАШУВИДА МАЙДОН ЭГАЛАРИ БИЛАН КҮЧ СИНАШГАН РАУФ ИНИЛЕЕВ БОШ МУРАББИЙЛИГИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ТЕРМА ЖАМОАСИ ЎЗБЕКИСТОНЛИК МУХЛИСЛАРГА ОЛАМ-ОЛАМ ҚУВОНЧ БАХШ ЭТДИ.

Авалло шунини таъкидлаш жоизки, Тошкентда Хитой тайпейиликлар билан ўтказилган дастлабки беллашувда терма жамоамиз футболчилари аjoyиб ўйин намойиш этишиб, меҳмонлар дарвозасини 9 марта ишғол қилишган ва ўз дарвозалари дахлсизлигини сақлаб қолшган эди. Шуниси қувонарлики, ушбу учрашувда ҳужумчимиз Максим Шацких ўз ҳисобига 5 та гол ёзиб қўйганди. Терма жамоамиз тарихида шу кунгача бир учрашувда Шацкихдан бошқа бирор футболчи рақиблар дарвозасига 5 та гол киритмаганлиги боис, ушбу баҳс Шацкихнинг футболчилик фаолиятида ўзига хос ўрин эгаллаши турган гап.

Хуллас жаҳон чемпионати саралаш турнири биринчи бошқич масаласини мuddатидан аввал ўз фойдаларига ижобий ҳал қила олган терма жамоамиз Хитой Тайпейида легионерларсиз ўйнашга жазм қилди. Ушбу беллашувга Шацких, Бақоев, Денисов сингари легионерлар тақлиф этилмади. Бир гуруҳ умидли маҳаллий футболчиларга ишонган Инилеев бу сафар хато қилмади. Чунки ёшлар ишончини оқлашди. Хужумкор, тезкор, комбинацион ўйин намойиш этган терма жамоа-

миз аъзолари 79-дақиқада Ислам Иномовнинг жамоадолари бошлаган ҳужуми самарали яқунаши эвазига ҳисобда олдинга чиқиб олишди. Орадан 10 дақиқа ўтиб яна бир моҳир футболчимиз Илхом Суюнов мезбонлар дарвозасига иккинчи голни киритди. Терма жамоамизнинг 2:0 ҳисобидаги ушбу галабаси Инилеев шогирдларига жаҳон чемпионати саралаш турнирининг гуруҳ баҳсларида қатнашиш ҳуқуқини берди.

Жаҳон чемпионати саралаш турнирининг гуруҳ баҳслари келаси йилнинг 6 февралидан бошланади. Жаҳон чемпионати саралаш турнирига қўрға ташлаш маросими 2008 йилнинг январиде ўтказилади.

МАКСИМ ШАЦКИХГА ОВОЗ БЕРИНГ!

ГЕРМАНИЯНИНГ ВИСБАДЕН ШАҲРИДА ЖОЙЛАШГАН ХАЛҚАРО ФУТБОЛ ТАРИХИ ВА СТАТИСТИКАСИ ФЕДЕРАЦИЯСИ (IFFHS) ДУНЁНИНГ 2007 ЙИЛДАГИ ЭНГ МАШҲУР ФУТБОЛЧИНИ АНИҚЛАШ МАҚСАДИДА МУВАФФАҚИЯТЛИ ТЎП СУРАЁТГАН ЭЛЛИК БЕШ НАФАР ЧАРМ ТЎП УСТАСИ РЎЙХАТИНИ ЭЪЛОН ҚИЛДИ.

Жорий йилнинг энг машҳур футболчисини аниқлаш учун футбол мухлислари ва мутахассислари Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерациясининг расмий веб-сайти — www.iffhs.de орқали ўзлари энг машҳур деб ҳисоблаган номзодга овоз беришлари лозим. Қувонарлики шундаки, IFFHS мутасаддилари томонидан танлаб олинган дунёнинг ўттиз бир мамлакатлари шарафини ҳимоя қилаётган эллик беш нафар энг машҳур футболчилар қаторидан Ўзбекистон миллий терма жамоаси сардори ва Украинанинг «Динамо» (Киев) жамоаси ҳужумчиси Максим Шацких ҳам жой олди.

1978 йилнинг 30 августиде Тошкент шаҳрида тузилган Максим Шацких «Пахтакор» футбол мактаби тарбияланувчиси ҳисобланади. Дастлаб Тошкентнинг «ЮТКО» ва «Чилонзор» жамоаларида тўп сурган истеъодли футболчи 1995 йилда ўз кучини Россия чемпионатида синаб кўришга қарор қилди. Профессинал футболчилик фаолияти давомида Россиянинг «Сокол» (Саратов), «Торпедо» (Волжский), «Лада» (Тольятти), «Газовик Газпром» (Ижевск) ва «Балтика» (Калининград) жамоаларида тўп сурган Максимни 1999 йилда Украинанинг «Динамо» (Киев) жамоаси мураббийси Валерий Лобановский «Милан» (Италия) га ўтиб кетган Андрей Шевченконинг ўрнини босиш учун ўз жамоасига тақлиф қилади.

Шундан буён «Динамо»нинг асосий ҳужумчиси си-

фатида ишончли ўйин кўрсатаётган ҳамюртимиз беш қарра Украина чемпиони, беш марта мамлакат кубогига соҳиби бўлди, икки мартаба миллий чемпионатнинг «энг яхши тўпурари»га аталган совринни қўлга киритди. Ўз жамоаси таркибида Европанинг энг нуфузли мусобақаси — Чемпионлар лигасида 63 мартаба майдонга тушиб, рақиблар дарвозасини йиғирма икки бор аниқ нишонга олди.

Европа майдонларида юқори савияда тўп сураётган Максим Шацкихга фаолияти давомида бошқа жамоалардан, жумладан Франциянинг «Пари Сен Жермен» ва Англия премьер лигаси вакили «Вест Бромвич» клубларидан бир неча мартаба жиддий тақлифлар тушди. Бирок, «Динамо» раҳбарияти ишонган футболчисини бошқа жамоага ўтишига рзи бўлмади.

Максим Шацких Ўзбекистон миллий терма жамоасининг ҳам етакчи футболчиси ҳисобланади. Мамлакатимизнинг бош жамоаси сафида 36 мартаба майдонга тушган моҳир ҳужумчимиз рақиблар дарвозасига йиғирма еттита тўп киритган. Бундан ташқари, жорий йилнинг 13 октябрь куни Максим Шацких жаҳон чемпионатининг саралаш учрашувиде Хитой Тайпейи дарвозасига бешта гол уриб, битта беллашувда энг кўп тўп киритган футболчи сифатида рекорд ўрнатди. Бунгача терма жамоамиз аъзолардан ҳеч кимга битта ўйинда бешта гол уриш насиб этмаганди.

Максим Шацких 2005 ва 2006 йилларда Ўзбекистоннинг «Энг яхши футболчиси» деб топилган. 2005 йилда Осийнинг «Энг яхши футболчиси» танловида иккинчи погонани эгаллаган.

Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, энг машҳур футболчи танлови номзодлари қаторига Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатлари вакилларидан фақат Максим Шацких ва Россиянинг «Спартак» жамоаси ўйинчиси Егорь Титов киритилган ҳолос. Осий мамлакатларидан эса саудиялик Ёсир Ал-Қаҳтоний, корейлик Жи Сун Парк, япониялик Шунсукэ Накамура, ироқлик Юнус Махмуд ва Бирлашган Араб Амирликлари вакили Исмоил Матарнинг номзоди кўрсатилди.

Бундан ташқари, номзодлар орасида англиялик Дэвид Бекхэм, бразилик Роналдо, франциялик Тьерри Анри, италиялик Алессандро Дель Пьеро ва Паоло Малдини, германиялик Оливер Кан, уэльслик Райан Гиггз, камерунлик Самуэл Это'о каби футбол юлдузлари бор.

Халқаро ташкилот талабига қўра, овоз бериш келаси йилнинг 3 январига қадар етади. Танлов голиблари январь ойида эълон қилинади.

Боҳир БЕК

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ХЎРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР! «РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ» ЁАЖ Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, М.Урозбоев кўчаси 1-а уй манзилида, нархлари ошиб бориш тартибиде, 2007 йилнинг 4, 11, 18, 25 декабрь кунлари соат 11:00 да қуйидаги кўчмас мулк сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказиладиган ОЧИК АУКЦИОН САВДОЛАРГА ТАҚЛИФ ЭТАДИ 1. Тошкент шаҳар Сергели тумани суд ижрочилири бўлими томонидан Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2007 йил 2 январдаги 10-0620/13994-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар, Сергели тумани 2-даҳаси, Бирлик кўчаси, 70-уйда жойлашган «757-сонли Электромонтаж» поездига қарашли, майдони 140 м.кв бўлган «Козонхона» (котельный) биноси: Бошланғич баҳоси — 1 532 592 сўм. Ушбу кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилири бўлими вакили иштирокида бевоасита жойига чиқиб танишиш мумкин. Саудоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган микдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг АКИБ, «Ипотекабанк» С.Раҳимов филиалидаги МФО: 00901, ИНН 200933850, 20210000500571452105 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. Аукцион саудоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш аукцион саудоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади. Интернетдаги сайтимиз: www.rkmb.uz Лицензия: ДВ 001 № 000004

Шоханова Угилжан Тоғаймуродовнага тегишли бўлган Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 12-даҳа, 4а-уй, 108-хонадоннинг уй ҳужжатлари (олди сотди шартномаси ва кадастр) йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Кафолат» Давлат акциядорлик сўгурта компаниясининг Тошкент шаҳар филиали жамоаси Мол-мулк сўгуртаси бўлимининг менежери Суннатулла Абдуғафорович Фуломовга ўғли ЗИЁДИЛЛАНИНГ вафоти муносабати билан қуқур таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32 ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563 Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатта олинган. Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2049 нусхада босилади. Қоғоз бичими А-2 Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтампти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва сақланган. «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмадонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 6